



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2019 йил 27 июль, № 153 (7383)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## МАҚСАДИМИЗ — САМАРҚАНДИ ЖАҲОН ТУРИЗМ МАРКАЗИГА АЙЛАНТИРИШ, АҲОЛИ УЧУН ЗАМОНАВИЙ ТУРМУШ ШАРОИТИ ЯРАТИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишиш мақсадида 26 июль куни Самарқанд вилоятига ташриф буюрди.



Давлатимиз раҳбари сафарлар чоғида туман ва шаҳарларда бунёдкорлик ишлари кўламини кенгайтириш, sanoat, туризм, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш каби соҳаларни жадал ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратади. Шу асосда дастурлар тузилапти, уларни амалга ошириш бўйича "Йўл харита"лари тасдиқланиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида 2019-2020 йилларда амалга ошириш белгиланган умумий қиймати 572 таси бўйича 2,3 триллион сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиб, 300 таси тўлиқ якунига етказилди. 4 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этиш доирасида 88,2 миллион АҚШ доллари ўзлаштирилди. Бу 2018 йилнинг шу даври билан таққослаганда, қарийб 1,5 баробар кўпдир.

Инвестиция дастурига кўра, бу йил Самарқанд вилоятида 565,7 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилиб, 151 объектда қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш режалаштирилган. Ҳозиргача 22 мактаб, 8 тиббиёт муассасаси ва 12 ичимлик сув объектида белгиланган ишлар якунланди.

Президентимиз Самарқанд халқаро аэропортида мазкур ҳаво дарвозасини ривожлантиришга оид лойиҳа билан танишди.

1927 йилда фаолият бошлаган аэропортда 2009 йилгача бир неча марта қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилган. Лекин бугун аэропортнинг йўловчиларга хизмат кўрсатиш имкониятларини замон талаблари даражасида, деб бўлмайти. Бу ердан ҳафтасига 37 марта хорижий ва маҳаллий парвозлар амалга оширилиб, йил бошидан буён 220 минг йўловчи хизмат кўрсатилган.

Кейинги йилларда юртимизда туризмни ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар тўғрисида Самарқанд келадиган сайёҳлар оқими сезиларли даражада ошди. Маълумотларга кўра, жорий йилнинг дастлабки олти ойида вилоятга 1 миллион 433 минг турист ташриф буюрган. Уларнинг 227 минг нафарини хорижий сайёҳлар ташкил этади. Ушбу рақамларни икки йил олдинги кўрсаткичлар билан қиёлаганда, туристлар оқими тўрт баробар ошганини кўриш мумкин. Келгусида сайёҳлар оқимини янада кўпайтириш, бунинг учун зарур инфратузилма яратиш борасида қўрилаётган чора-тадбирлар Самарқанднинг ҳаво дарвозаси имкониятларини ҳам кенгайтиришни тақозо этапти.

Тақдим этилган лойиҳага кўра, аэро-

портда соатига 600 йўловчи хизмат кўрсатадиган янги терминал қуриш, учини-қўнини йўлагини реконструкция қилиш, самолётлар тураргоҳини кенгайтириш, радиолокация тизимларини такомиллаштириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари қурилиш ишларини сифатли ва белгиланган муддатларда амалга ошириш, миллий меъморлик аъёналарига риоя этиш кераклигини таъкидлади. Аэропорт фаолиятида замонавий бошқарувни жорий қилиш, реконструкция ишлари амалга оширилаётган пайтда эса Самарқандга поезд ва автобуслар қатновини кўпайтириш, аҳоли ва туристларга муқобил қулайликлар яратиш бўйича кўрсатмалар берди.

Аэропортни халқаро стандартлар асосида ривожлантириш мамлакат иқтисодиёти учун жуда муҳим. Аксарият давлатлар халқлари юртимизни кўҳна Самарқанд орқали тасаввур қилади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ҳақида гапирганда, аввало, бу қадим шаҳарни тилга оламиз. Тўғри, айни пайтда вилоятга туристик қатновлар, асосан, "Afrosiyob" тезюрар поездлари орқали амалга оширилмоқда. Аммо халқро транспорт тизимида бундай имкониятлар яратилмаган. Ҳақиқат шуки, Буюк Ипак йўлини бирлаштирган шаҳарлар орасида Самарқандчилик қадим тарихга эга манзил йўқ. Афсуски, шунга мос инфратузилма яратишга аввалроқ эътибор қаратмадик, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз аэропортнинг бугунги ҳолати талаб даражасида эмаслигини қайд этиб, мутасаддиларга унинг сифатини ошириш, камида 20 самолётга хизмат кўрсатадиган замонавий инфратузилма ташкил этиш ва бу ишларни бир ярим йиллик муддатдан кечиктирмай бажариш юзасидан топшириқлар берди.

Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳридаги Ислол Каримов мақбара-мажмуасига ташриф буюриб, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти қабрига гул қўйди. Ҳаққига эътибор этилиб, марҳумнинг қаҳқига дуо қилинди.

Нуронийлар, уламолар билан суҳбатда Ислол Каримовнинг халқимиз, давлатимиз манфаати йўлидаги хизматлари, инсоний фазилатлари ёдга олинди.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд вилоятига ташриф буюриб Оқдарё туманидаги "Pure milk Oqdaryo" фермер хўжалиги даласида бўлиб, миришкорлар билан суҳбатлашди.

1 минг 360 гектар ер майдонида эга мазкур фермер хўжалиги 634 гектарда пахта, 50 гектарда галла, 366 гектарда озуқа ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экинларини парваришламоқда. 400 нафардан ортик кишиларнинг бандлиги таъминланган.

Хўжалик аъзолари жорий йил галладан 283 тонна ҳосил олиб, 135 миллион сўм фойда кўрди. Галладан бўшаган майдонларга чорва учун озуқа сифатида маккажўхори экилган. 2100 бошдан зиёд йирик шохли қорамоллар боқилаётган фермер хўжалиги учун бу айни муддаодир.

Ўза майдонларини хориж технологияси асосида томчилатиб сугориш жорий этилган. Бу минерал ўғит ва сув сарфини камайтириш, агротехника ишлари самардорлигини ошириш ҳамда экин парвариши билан боғлиқ харажатларни қисқартиришда муҳим омили бўлмоқда. Бугунги кунда бир туп ғўзада 3-4 дона кўсак, 7 — 10 дона гул, 10 — 12 дона шона мавжуд. Хўжалик аъзолари бу йил пахта ҳосилдорлигини 45 центнерга етказишни режалаштирган.

Президентимиз мамлакатимизда барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалигида ҳам асосий устувор мақсад халқимиз манфаати эканини қайд этиб, қайси маҳсулот кўпроқ даромад келтирса, ўша экин, бунинг учун уруғчилик ва нав танлашга алоҳида эътибор бериш, соҳага илмий ёндашиш зарурлигини таъкидлади. Вилоятдаги фермер хўжаликлари ва кластерларда томчилатиб сугоришни кенг жорий этиш, ҳосилдорлик паст майдонларда галла экишни қисқартириб, юқори даромад келтирадиган мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш, уларни қайта ишлаш учун минитехнологиялар етказиб бериш бўйича кўрсатмалар берди.

Қандай қилиб одамларнинг даромадини оширамиз, деган савол мени ҳар куни ўйлантиради. Аслида бу савол барча раҳбарларнинг тинчини бузиши керак. Тўғри фойдаланишни билсак, ҳар бир ҳудуд, ҳар бир соҳада кенг имкониятлар бор. Қишлоқ хўжалигида янги технологияларни жорий қилиб, ҳосилдорлигини ошириш, хом ашёни қайта ишлашни йўлга қўйиш лозим. Маҳсулот қайта ишланса, ҳам даромад кўпаяди, ҳам янги иш ўринлари яратилади. Манфаатдорлик юқори бўлиши учун сарфланган харажатни қоплаб, фойда кўришни кўзлаб, меҳнат қилиш керак. Эртанги куни бугундан яхши бўлиши учун ҳар бир одам ўзи ҳаракат қилмоғи зарур. Ҳозирги замонада ким ютади — интилган ютади, меҳнат қилган ютади, деди давлатимиз раҳбари.

Вилоятнинг сайёҳлик салоҳиятини янада ошириш, туристлар учун замонавий шароит ва имкониятлар яратиш мақсадида Самарқанд туманидаги эшак эшиш канали атрофида туристик марказ қуриш режалаштирилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев бу ерга ташриф буюриб, марказ лойиҳаси билан

танишди. Унда белгиланишича, мажмуа учун 360 гектар ер ажратилиб, 80 гектаридан анжуманлар саройи, меҳмонхоналар ва бошқа объектлар қурилиши мўлжалланган. Меҳмонхоналар 3, 4 ва 5 юлдузли бўлиб, барча тоифадаги сайёҳларни қамраб олади. Шунингдек, сайилгоҳлар, сузиш жойлари, сунъий оролчалар, ресторанлар ташкил этилади.

Самарқандга келган сайёҳлар, маҳаллий аҳоли дам олиш учун қаерга боради? Ҳозирча айтарли, кўзга кўринган бундай жой йўқ. Шунинг учун чет эллик сайёҳлар, асосан, тарихий обидаларни кўриш ва муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш билан чекланмоқда. Ваҳоланки, Самарқандда туристлар дам олиши, маданий ҳордиқ чиқариши учун шароит яратишга имконият жуда катта. Худудда бу масалага алоҳида эътибор қаратилади. Бу маскан зиёрат туризми билан ҳамма ҳам бўлиши, халқимиз, чет эллик сайёҳлар бу ерга келиб мароқли ҳордиқ чиқариши учун ҳар томонлама қулай жойга айланиши керак. Турист Самарқандга бир-икки кунга эмас, бир неча кунга келсин, кетиш ҳақида ўйла-масин. Бу Самарқанд иқтисодиёти учун яна бир ўсиш нуқтаси бўлади, деди Шавкат Мирзиёев.

Жорий йил 9-10 июль кунлари Самарқандда МДХ Туризм кенгашининг навбатдаги мажлиси ва Ҳамдўстлик мамлакатларининг биринчи туристик ярмаркаси ўтказилди. Мазкур тадбирлар чоғида юртимизга, жумладан, Самарқандга чет эллик сайёҳларни жалб этиш бўйича хорижий фирма ва компаниялар билан 50 дан ортик шартномалар имзоланди. Шунингдек, бу йил Самарқанд шаҳри Жаҳон сайёҳлик шаҳарлари Федерацияси (WTCF) аъзо бўлди. Яқин йилларда Самарқанд шаҳрини "туристик ҳаб"га айлантириш режалаштириляпти.

Бу сайёҳ-ҳаракатлар тўғрисида келаси йилларда вилоятга сайёҳлар оқими кескин ошиши, шубҳасиз. Хусусан, жорий йил 510 мингдан зиёд хорижий меҳмонлар келиши кутилмоқда. Икки йилда бу кўрсаткични 2 миллионга, мамлакат бўйича эса 10 миллионга етказиш мўлжалланган.

Бунинг учун Самарқандда сайёҳликни ривожлантириш учун муносиб шароит зарур. Шу мақсадда 2019-2020 йилларда вилоятда туризм соҳасида қиймати 220 миллион доллар бўлган 164 лойиҳани амалга ошириш белгиланган. Айни пайтда бу борада изчил ишлар олиб борилмоқда.

Президентимизга вилоятда кўп қаватли уй-жойлар қуриш, ичимлик суви ва оқова тармоқларини модернизация қилиш, Самарқанд шаҳрини марказлашган иссиқлик энергияси билан таъминлашни яхшилаш борасидаги ишлар тўғрисида ҳам маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари аввалги йилларда вилоятга ташрифи чоғида кўҳна шаҳар аҳолисининг уй-жойга эҳтиёжи йил сайин ошиб бораётгани ва уни қондириш учун Самарқанд марказида, қурилиш меъёрларига тўғри келса-келмаса, уй-жой қуравергандан кўра, теварақда замонавий бинолар барпо этиш зарурлигини таъкидлаган эди.

Ана шу топшириқ асосида ўтган йили Самарқанд туманининг Қорасув массивидан шаҳар учун 50 гектарга яқин ер ажратилиб, кўп қаватли уйлар, ижтимоий соҳа объектлари қурилиши бошланди. 2018 йилнинг ўзида "Ўзшаҳар қурилиш инвест" инжиниринг компанияси буюртмаси асосида жами 1 минг 344 хонадондан иборат 7 қаватли 32 арзон уй барпо этилди. Бундан ташқари, "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси томонидан Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия хизматчилари ва ёш оилаларга мўлжалланган 5 қаватли 12 тураржой қурилиб, фойдаланишга топширилди.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## БИЗ ва ЖАҲОН



Ўзбекистоннинг "Golden Prime Fruit" компанияси диёримизда етиштирилган гилос, шафтоли, ўрик, узум ва олхўрини Малайзияга етказиб бера бошлади. Бу ҳақда "Дунё" АА хабар берди.

### Сархил меваларимиз — Малайзия бозорларида

Ўзбекистоннинг Куала-Лумпурдаги элчионаси маълумотларига кўра, 2019 йил июль ойидаги сархил мевалар экспорти ҳажми 5 тоннани ташкил этган. Шу кунларда серкўш заманида пишган неъматларнинг навбатдаги туркуми ҳам мазкур йўналиш бўйича жўнатилади.



"Golden Prime Fruit" раҳбари Қажрамон Юлдашевнинг айтишича, Ўзбекистоннинг сархил мевалари малайзиялик ис-

теъмолчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бинобарин, компания айни пайтда ўзбек қовунини ҳам етказиб бериш бўйича Малайзия савдо тармоқлари билан музокара-лар олиб борилаётганини маълум қилди.

### Юртимизда жаҳон ва қитъа чемпионатлари учун футбол тўплари ишлаб чиқарилади

Ўзбекистонда ФИФА таснифидаги жаҳон чемпионатлари ва УЕФА Чемпионлар лигаси ўйинлари учун футбол тўплари ишлаб чиқариладиган завод очилади.

Бу ҳақда мамлакатимизнинг Покистондаги элчисини ва "Forward Group" компанияси эгаси ўртасида бўлиб ўтган музокара-ларда маълум қилинган.

"Forward Group" Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятини инobatга олган ҳолда, айнан бизнинг мамлакатда биринчи инвестициявий лойиҳасини амалга оширишга қарор қилди. МДХ ва Европада муқобил йўқ бўлган замонавий корхона Андижонда қад ростлайди.

Қўшма корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳияти ойига 3000 та тўпга тенг.

Мулоқот якунида покистонлик бизнесмен Андижон вилоятида "Forward-TN Sports" лойиҳаси муваффақиятли амалга оширилса, компания Ўзбекистонда спорт сумкалари ҳамда дунё футбол клублари учун либослар ишлаб чиқариш бўйича йирик инвестиция лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этишни режалаштираётганини билдирди.

### Буюк Британия супермаркетларида мамлакатимиз маҳсулотлари сотилади

Буюк Британия пойтахтида дунё мода санoатининг энг йирик тадбирларидан бири — "Pure London" кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон стенди ҳам муносиб ўрин эгаллади.

"Made in Uzbekistan" бренди остида "Истиклол текстиль дизайн", "Vakkoni Collection" ва "JV Textile Mill Tashkent" корхоналари ўз тўқимачилик маҳсулотларини тақдим этиди. Мамлакатимиз делегацияси таркибидан "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси вакиллари ҳам жой олган эътиборга лойиқ.

Таъкидлаш жоизки, "Pure London" — Буюк Британияда урфда бўлган либосларнинг чакана савдоси соҳасидаги энг йирик форумдир. Ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар ўз иштироки доирасида Буюк Британия ва Европа бизнес вакиллари билан бир қатор самарали учрашувлар ҳам ўтказишди.

Жумладан, мезбон давлатдаги "Burrows&Hare" компанияси директори Султон Ансорий билан туманли альбион бозорига Ўзбекистондан эркаклар костюмларининг илк туркумини етказиб бериш бўйича битим имзоланди.

"HOD Fashion House" компанияси вакили Кевин Каннингем билан мулоқот ҳам самарали кечди. У компанияси "JV Textile Mill Tashkent" корхонасида



ишлаб чиқарилган пайпоқ маҳсулотларини жуда кўп ҳажмда харид қилмоқчи эканини билдирди.

Жанубий Лондон Савдо-саноат палатаси аъзоси Амадин Райан билан эса Жанубий Лондон ҳамда Наманган ва Қашқадарё вилоятлари ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Кўргазмадаги яна бир амалий натижа "Vakkoni Collection" (Наманган) ва "The Notting Hill Gate Shopping Bag" (Лондон) компаниялари ўртасида шартнома имзолангани бўлди. Унга кўра, Буюк Британияга ўзбек пахта-дан тайёрланган биологик тоза сумкалар етказиб берилди.

С. МАХСУМОВ тайёрлади.

# МАҚСАДИМИЗ — САМАРҚАНДНИ ЖАҲОН ТУРИЗМ МАРКАЗИГА АЙЛАНТИРИШ, АҲОЛИ УЧУН ЗАМОНАВИЙ ТУРМУШ ШАРОИТИ ЯРАТИШ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Худудга минглаб аҳоли кўчи келишини ҳисобга олиб, таълим ва тиббиёт мусассалари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, умуман, аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун нимаки зарурат бўлса, барчасини шу ернинг ўзида яратишга эътибор қаратилди. Бугун ушбу маскан, том маънода, замонавий шаҳарча кўринишини олган.

Президентимиз жорий йил 11 январь куни вилоятга ташрифи чоғида янги масивда бўлиб, амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишган, шаҳарчани янада кенгайтириш бўйича топшириқлар берган эди. Шундан келиб чиқиб, қўшимча равишда 16,4 гектар майдон ажратилди ва "Agromir bildings" корхонаси томонидан 2019 йилда 18, 2020 йилда 59 кўп қаватли уй қурилиши белгиланган. Ҳозир бу ерда хорижий давлатларнинг илғор қурилиш технологиялари асосида 12, 14 ва 16 қаватли уйлар барпо этилмоқда.

Бундан ташқари, айни пайтда Ургут ва Тайлоқ туманларида ҳам ана шундай уйлар қурилишига киришилган.

Президентимиз янги уйлارни адолатли тақсимлаш, қурилиш ишлари сифатига алоҳида аҳамият бериш, ичимлик суви ва оқова тармоқларини яхшилаш, Самарқанд шаҳрини марказлашган иссиқлик энергияси билан таъминлаш борасидаги ишларни жадаллаштириш юзасидан кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд туманидаги "Agromir" масъулияти чекланган жамиятида бўлиб, мева-сабзавотни қайта ишлаш жараёнини кўздан кечирди.

Ортимизда етиштирилган сархил мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари таъми, сифати ва фойдали элементларга бойлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун хорижда Ўзбекистонда пишиқ етилган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига талаб катта.

"Agromir" мева-сабзавотни қайта ишлаб, ички бозорни шарбат ва шира, концентратлар, паста, пюре ва консервлар билан тўлдириб, экспорт қилиб келмоқда.

Қарийб 450 киши доимий иш билан

таъминланган корхона йилига 60 минг тонна шарбат ва нектар, 6 минг тоннага яқин концентрат ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, ҳозир бу ерда жами 42 турдаги маҳсулот тайёрланмоқда.

2018 йилда корхонада умумий қиймати 160 миллиард сўмлик 53 минг тонна, жорий йилнинг биринчи ярмида 72 миллиард сўмлик 24 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилди. Утган йили 2,1 миллион долларлик, жорий йилда 5,5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Айни пайтда корхонага қарашли ҳўжаликларда мева-сабзавотнинг истиқболли навларини етиштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фермер ва деҳқон ҳўжаликларини билан буюртма асосида ишлаб бериш.

Давлатимиз раҳбари корхона цехларида мевани қайта ишлаш жараёнини, тайёр маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди.

Ишлаб чиқариш ва қадоқлаш цехларида Швейцария, Италия ва Германиянинг шарбат, пюре ва паста ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий технологиялари ўрнатилган. Бу корхона маҳсулотларининг Ўзбекистон бозорига етакчи ўрин эгаллашида кўл келмоқда.

Бугунги кунда "Agromir" маҳсулотлари таниқли брендлар остида Жанубий Корея, Хитой, Ҳиндистон, Россия, Қозғоғистон, Озарбайжон, Тожикистон, Афғонистон каби мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Чет эллик истеъмолчиларга шарбат ҳолидаги тайёр маҳсулотлардан ташқари концентратлар ҳам етказиб бериляпти.

Танишув чоғида харидордор, жаҳон бозорига талаб юқори бўлган экспортбоп маҳсулотларини кўпайтириш ва савдо географиясини кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев Самарқанд туманида вилоят фаоллари, секторлар раҳбарлари, нурунийлар, фермер ва тадбиркорлар иштирокида йиғилиш ўтказди.

Сизлар билан йил бошида учрашиб, вилоятда амалга ошириладиган лойиҳалар, бунёдкорлик ишлари, умуман, халқимиз ҳаётини, турмуш даражасини ошириш юзасидан улкан вазифаларни белгилаб олган эдик. Утган олти ой давомида бу

вазифалар нечоғли бажарилгани барчамизга яхши маълум. Ижобий натижалар ҳам, ечимини кутаётган масалалар ҳам салмоқли. Бугун Самарқандга келиб, яна сизлар билан фикрлашиб олиш, белгиланган режаларимизни ўз вақтида ҳаётга таъбиқ этишни шиддатли даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Замон шунчалик тез ривожланиптики, яқин ва узоқ хорижий давлатлар, ҳамкор мамлакатлар иқтисодиётини таҳлил этиб, ўзимизнинг йўлимизни танламасак, глобаллашув шароитида жаҳонда ўз ўрнинимизга эга бўлмасак, олдимизга қўйган мақсадларни амалга ошириш қийин кечади. Шу нуқтаи назардан, Самарқандга бу галги сафаримиздан асосий мақсад вилоятда туризмни ривожлантириш, тадбиркорлик ва қайта ишлашни кенгайтиришни жадаллаштиришга, янги режа ва вазифаларни белгилаб олишга қаратилган, деди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёев вилоятда саноат, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа тармоқларда муайян натижаларга эришилаётган бўлсада, Самарқанднинг иқтисодиётини мустақамлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини оширишда туризм соҳаси асосий йўналиш бўлиши кераклигини таъкидлади. Афсуски, ҳали бу борадаги имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмапти. Шу билан бирга, боғдорчилик, мева-сабзавот етиштиришда ҳам эришилаётган натижалар бошқа худудлар билан солиштирилганда оқсаётгани кўрсатиб ўтилди. Вилоятда айнан мана шу йўналишда ихтисослаштирилган туманлар бор.

Бу жойларда энди фақат маҳсулот етиштириб, уни хом ашё ҳолида сотишдан кўра, қайта ишлаб, тайёр маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни кўпайтириш, замонавий минитехнологиялардан фойдаланиш зарурлиги эътибор қаратилди. Шу мақсадда мева-сабзавот етиштиришни ривожлантиришга 400 миллион доллар, туризм инфратузилмасини такомиллаштиришга 100 миллион доллар ажратилиши маълум қилинди.

Давлатимиз раҳбари туман ва шаҳарларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка кенг жалб этиш борасидаги ишларни жадаллаштириш, "Ургут" эркин

иқтисодий зонаси салоҳиятини кенгайтириш борасида топшириқлар берди.

Туман ва шаҳарлар ўртасида ўзига хос рақобат муҳитини яратиш масалаларига эътибор қаратилди. Шу мақсадда тажриба тарикасида Каттақўрғон тумани ва шаҳри ҳамда Ургут тумани ўзаро мусобақалашини таъкидлади. Бу Самарқанд тажрибаси сифатида кейинчалик мамлакат бўйлаб оммалаштирилиши қайд этилди.

Туманларда амалга оширилаётган лойиҳалар, ислохотларнинг бориши юзасидан сектор раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд шаҳрида инфратузилмани такомиллаштириш, саноатни ривожлантириш, инвестициявий жозибдорликни ошириш борасидаги вазифаларга ҳам тўхталиб ўтди. Жумладан, Самарқандни "туристик хаб"га айлантириш зарурлигини таъкидлаб, Бош вазир ўринбосарлари ва вилоят ҳокимида шу масала юзасидан кўрсатмалар берди.

Тадбиркорликни ривожлантириш бўйича 23 июлда ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган тизим асосида ишлаб, муҳитни ўзгартириш, тадбиркорларга ҳамма шароитни яратиб бериш зарурлиги қайд этилди.

Барча саъй-ҳаракатларимиз, мақсадмуддаомиз халқимизнинг бугунги ҳаётидан рози, эртанги кундан кўнгли тўқ бўлишига қаратилган. Бунинг ҳар бир раҳбар юракдан ҳис қилиши ва зиммасидаги улкан масъулиятни чуқур ҳис этиб, меҳнат қилиши лозим. Шунинг билан бирга, кечяги услуб, қотиб қолган қарашлар билан олдимизга қўйган мақсадларга эришиб бўлмайди. Бугунги давр барчамиздан янгиликни қўлдан қўйишдан тўхташга мос суръатда ишлашни тақозо этяпти, деди Шавкат Мирзиёев.

Президент ҳокимлар ва секторлар раҳбарларига ҳар бир туман иқтисодиётини ривожлантириш бўйича топшириқлар берди.


Шу билан давлатимиз раҳбарининг Самарқанд вилоятга ташрифи якунига етди.

Ў.А.

## ДУНЁ НИГОҲИ

Россиянинг "Utair" авиакомпаниясига тегишли журналда Тошкент ва Самарқандга бағишланган мақола нашр этилди.

### ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҲАР БИР ШАҲРИ ШАРҚ ЭРТАКЛАРИ УЧУН САЙҚАЛ БЎЛА ОЛАДИ



Қарши олиш учун ичкарига ташлаб қадам шайлаверинг", деб ёзади у. И ж о д о р Чимён тоғларини ҳам эътибордан четда қолдирмаган. Муаллиф бу ерда унутилмас хордик чиқариш учун яратилган шароитларни илҳом л а н и б тасвирлайди. "Қишда бу ерда чанги ва снубордларда учишда, ёзда

"Ўзбекистонда тезорар поездда сайр қилиш мумкин, тезор интэрнет ҳатто чўлда ҳам бор, нонуштага пишлоқли пирог, тушликка эса катта қозондан сузилган палов тановул қила оласиз. Шунингдек, Ўзбекистоннинг ҳар бир шаҳри Шарқ эртаклари учун сайқал бўла олади", деб ёзади мақола муаллифи Екатерина Малахова.

Журналист тарихга саёҳат қилар экан, Ўзбек заминини кўп жиҳатдан Амир Темуру номи билан боғлиқ эканлигини таъкидлайди. "Тошкентдаги кўча, майдон, музей ва метро бекати саркарда шарафига аталган. Улар ёнмаёни жойлашган. Бу эса шаҳар бўйлаб айланиш учун идеал таянч нуқтадир", дея қайд этади Е. Малахова.

Шундан сўнг у ўқувчиларга Япон боғи, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Фурқат номидаги хиёбонлар, Экопарк, "Ташкент-лэнд", телеминора, Чорсу бозори каби пойтахтимиздаги бошқа диққатга сазовор жойлар, шунингдек, ўзбек ошхонаси ҳақида хикоя қилиб беради.



"Телеминора яқинидаги "Ош маркази"га маҳаллий аҳоли вакиллари ҳайъаси, Россия, Европа, Хитой, Япония сайёҳларини, хуллас, бутун дунёдан жуда кўп зиёратчилар келишади. "Ош маркази" нафақат Тошкент, балки Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам мавжуд. Агар "Osh Markazi" деган ёзувга кўзингиз тўша, гастрономик саргузаштларини

билан чамбарчас боғлиқ. Бу ерда буюк ҳукмдорлар руҳи, куч-қудрати ва жасорати оламига беихтиёр кириб борасиз", деб таъкидлайди Е. Малахова.

Муаллиф мақола сўнгида кейинги ҳикояси Буюк Ипак йўли бўйидаги тарихий шаҳарлар — Бухоро ва Хива ҳақида бўлишини қайд этади.

С. ҚОСИМЖОНОВ тайёрлади.

## Давра суҳбати

### ЎЗБЕКИСТОН ИМИЖИНИ МУСТАҲКАМЛАШ КОНЦЕПЦИЯСИ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР ТАЙЁРЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги давлат бошқаруви академиясида 26 июль куни «Ўзбекистон Республикаси халқаро имижини мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ташқи ишлар вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз вазирлиги ва идоралари, БМТ, ЕХҲТ, Европа тикланиш ва тараққиёт банки каби халқаро ташкилотлар ҳамда молия институтлари мутахассислари, дипломатик корпус, «Mitsubishi corporation», «Knauf Gips Bukhara», «Ernest & Yang» ва бошқа кўплаб йирик компаниялар вакиллари, экспертлар гуруҳи қатнашди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари Дилшод Ахатов сўзга чиқди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда очкилик, яхши кўшилиги ва ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш имконини бераётган ишонч руҳидаги ташқи сиёсати халқаро майдонда кенг миқёсда кўллаб-қувватланмоқда. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини оширишга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз ижобий имижини халқаро майдонда фаол илгари суриш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда. Бу миллий манфаатларга, мамлакатимизнинг ташқи сиёсий ташаббусларини амалга оширишга хизмат қилувчи муҳим омил. Шу билан бирга, иқтисодий ри-

вожланишни таъминлаш, экспортни кўллаб-қувватлаш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш ва сайёҳлар оқимини ошириш учун зарур шароит яратишнинг бирламчи механизми ҳамдир.

Давра суҳбатида жадал тусда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотлар шароитида Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ижобий имижини илгари суришнинг долзарб йўналишлари муҳокама қилинди. Мамлакатимизнинг бугунги кундаги имиж сиёсати баҳолилиги, уни такомиллаштириш бўйича фикрлар билдирилди.

Тадбирда кўп минг йиллик тарихимиз, бой маданий мерос, халқимизнинг бағрикенглик, меҳмондўстлик каби фазилатлари, мамлакатнинг улкан иқтисодий ва табиий имкониятлари, буюк алломаларимизнинг илмфан тараққиётига қўшган бекиёс ҳиссаси Ўзбекистон имижини дунё миқёсида илгари суриш ва тарғиб қилишнинг зарур жиҳатлари экани алоҳида қайд этилди.

Тадбир якунида Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ижобий имижини мустаҳкамлаш концепциясини тайёрлашда фойдаланиш бўйича экспертлар таклифи ва тавсиялари ишлаб чиқилди.

Ғайрат ХОННАЗАРОВ, Ў.А. муҳбири.

## Сўхлик ёшлар олий таълим муассасаларига ИМТИЁЗЛИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Фаргона вилоятининг анклав худуди ҳисобланган, 76 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган Сўх туманида вилоят сектор раҳбарлари томонидан оммавий сайёр қабул ўтказилди.

Унда вилоятдаги барча бошқарма ва ташкилотлар раҳбарлари, прокуратура, ИИБ ва суд органлари ҳамда туман сектор раҳбарлари иштирок этди.

### Ижтимоий сиёсат

Қабулда 254 нафар фуқаро қатнашиб, улардан бевосита сектор раҳбарларига 162 та муносабат келиб тушди. Жисмоний ва юридик шахслар вакилларининг ичимлик суви ҳамда сўроғиш тизимида сув таъминотида оид 28 та, ички йўлларни таъмирлашга доир 16 та, қурилиш ишларини олиб бориш юзасидан 20 та, маҳалла фуқаролар йиғини фаолияти ва уларнинг моддий-техника базасига дахлдор 10 та, уй-жой билан боғлиқ 8 та, моддий ёрдам кўрсатишга тааллуқли 4 та ва бошқа масалалар юзасидан муносабатлари кўриб чиқилди.

Ўтказилган қабул натижалари бўйича 25 нафар муносабатнинг масаласи жойида ижобий ҳал этилди, 19 нафар кишига тушунтириш берилди. Қабул давомида тушган муносабатлардан келиб чиққан ҳолда, Сўх тумани аҳолисини ижтимоий-маънавий кўллаб-қувватлаш, уларга қулай шароитлар яратиш мақсадида мавжуд ҳолатни тўлиқ ўрганиб чиқиш бўйича вилоят ҳокимлиги, бошқарма ва ташкилотлар вакиллари билан иборат ишчи гуруҳ ташкил этилди.

Аҳоли мулоқот давомида ўзларини қийнаб келаятган муаммоларни баён

қилди. Жумладан, Ҳушёр қишлоғида яшовчи, кутубхоначи бўлиб ишлаган, ҳозирги кунда пенсиядаги Зулфияxon Икромова "Обод қишлоқ" дастури бўйича амалга оширилаётган ишлардан миннатдор эканлигини билдириб, худуддаги талабга жавоб бермай қолган эски маданият уйи биносини янгида қуришни, кутубхона ҳам очишни таклиф қилди. Масала масъул раҳбарлар эътиборига ҳавола этилди.

Сўх тумани, Сариканда қишлоғи, Гулрайхон кўчасида яшовчи Ўлмасжон Мамашариповнинг қизи учун ногиронлиги аравачаси ва моддий ёрдам бериш, Сўх туманининг Ғазнов қишлоғида яшовчи Файзинисо Мирзоеванинг фуқаролик паспортини олиш масаласидаги ва бошқа қатор муносабатларга ечим топилди.

Ровон қишлоғида яшовчи Метин Эргашевнинг соғлиқни сақлаш соҳасида мутахассислар етишмаслиги сабабли вилоят

марказидан кадрлар юбориш тўғрисидаги муносабатни ижобий ҳал этилиб, тиббиёт йўналишидаги олий таълим муассасаларига имтиёзли қабул қилиш учун вилоят ҳокимлигига ажратилган 14 та квотани 10 таси сўхлик ёшлар учун ажратиб берилди.

Қабулга 12 нафар малякали тиббиёт ходими ташриф буюриб, улар бир туманда истиқомат қилувчи аҳоли, айниқса, аёллар, ёшлар, кексаларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказмоқда.

Шунингдек, Давлат хизматлари агентлиги Фаргона вилояти бошқармаси томонидан туман аҳолиси учун сайёр давлат хизматлари ташкил этилди.

Сўх туманида ўтказилган мулоқот давомида аҳоли вакиллари уларга кўрсатилган эътибор, ҳамхўрлик ва имкониятлардан миннатдорлигини билдирди.

Элёржон ЭҲСОНОВ («Халқ сўзи»).

## Самарали тизим

### Жамоатчилик кенгаши тадбиркорларга кўмак беради

Президентимиз жорий йилнинг 23 июль куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида Бош вазирнинг тадбиркорлар муносабатларини кўриб чиқиш қабулхоналари хузурида Жамоатчилик кенгашларини ташкил қилиш бўйича топшириқ берилди.

Бош вазирнинг Сирдарё вилояти қабулхонаси хузурида ана шундай кенгаш ўз фаолиятини бошлади. Унинг таркибига тадбиркорлик фаолиятига бевосита қўмақлашувчи давлат ҳамда жамоат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари вакиллари киритилди.

Жамоатчилик кенгаши аъзоси, ЎзЛиДеП Сирдарё вилояти кенгаши бўлиб мудир Юсуф Абдуқаримовнинг айтишича, Масъул тузилма зиммасидаги асосий вазифа тадбиркорлар муаммоларини ўрганиш, уларни

пайдо бўлмасиданоқ аниқлай билиш ва ушбу масалалар ечимини бўйича тавсия ҳамда таклифларни тақдим қилишдан иборат. Қабулхонага муносабат қилинмаган ҳолатлар ҳам кенгаш эътиборида бўлади. Қисқача айтганда, Жамоатчилик кенгаши тадбиркор ва Бош вазир қабулхонасини боғловчи кўприк бўлиб хизмат қилди.

Айтиш кераки, Бош вазирнинг вилоятдаги барча шаҳар ва туманлардаги қабулхоналари қошида ҳам худди шундай кенгашлар тузилади.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).

## ЯРОҚЛИЛИК МУДДАТИ ЎТГАН САЛҚИН ИЧИМЛИКЛАР САВДОСИ ФОШ ЭТИЛДИ

АКС ҲОЛДА УЛАР 7 МИНГ 898 КИШИНИНГ САЛОМАТЛИГИГА ХАВФ СОЛГАН БЎЛАР ЭДИ.

Бу йилги ёз мавсуми жуда иссиқ келди. Ҳамма ўзини соя-салқинга уради. Айниқса, бундай паллаларда салқин ичимликлар — жоннинг роҳати. Бундан фойдаланган Андижон тумани, Янгиобод қишлоғида яшовчи Ойистахон Иминова (суриштирув ишлари олиб борилаётгани боис исм-шарифлар ўзгартрилди) Андижон шаҳридаги Ишчилар маҳалласининг Пахтаобод кўчаси, 45-хонадонда оғир ташкил этди. Бу ерда салқин ичимликларни тўглаб, харидорларга пуллай бошлади.

### Назорат

Тадбиркорлик — барака манбаи. Қачонки, виждон билан иш қўрилади! Аммо Ойистахон мўмай даромад илминжида виждон амрини ҳам бир четта суриб қўйди. Яхшиямки, давлат солиқ бошқармаси ходимлари унинг қилмишларини фош этди. Акс ҳолда, қанчадан-қанча юртдошларимиз саломатлигига жиддий путур етган бўларди.

— Аёлнинг оғирхонаси кўздан кечирилганида 7 минг 898 донна ҳар хил сифимдаги энергетик салқин ичимликлар сотишга тайёрлаб қўйилганига гувоҳ бўлдик, — дейди вилоят давлат солиқ бошқармаси ходими Шохруҳбек Эгамназаров. — Бироқ улар 2018 йилнинг апрель ойида ишлаб чиқарилган экан. Вақтонлики, бу каби маҳсулотларнинг яроқлилик муддати олти ойдан ошмаслиги керак. Тиббиёт ходимла-

рининг маълум қилишларича, муддати ўтган ичимликлар истеъмоли инсон саломатлигига жиддий таъсир қилади. Демак, Ойистахон салқин 8 минг кишининг ҳаёти учун хавф солган. Агар бу ҳолатдан беаҳаб қолганимизда, "ишбилармон" аёл 31 миллион 298 минг сўм фойда кўриши мумкин эди. Лекин бу маблағ бебаҳо бойлик — минглаб инсонлар саломатлиги олдига сарик қақчалик қадрга эганими?!

Тадбиркор оғирхонада сақланган яроқсиз маҳсулотлар савдосига ўз вақтида чек қўйилди ва бу каби назорат тадбирлари бошқа худудларда ҳам давом эттирилмоқда.

Саминжон ҲУСАНОВ («Халқ сўзи»).

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

Фаргона шаҳрида Ишсиз ва банд бўлмаган фуқароларни касб-хунарга ўқитиш марказининг тамал тоши қўйилди.

Ишсиз фуқаролар касб-хунарга ўқитилади

Ушбу эзгу ташаббус Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 апрелдаги қарорига асосан...



Талабалар шаҳарчасида ОТМлар ўқитувчи ва илмий ходимлари учун арзон уйлар қурилади

Хукуматимизнинг тегишли ҳужжати билан Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчасида ОТМларнинг ўқитувчи, мураббий ва илмий ходимлари учун...

Мазкур уйлар учун 25 фоизлик бошланғич бадал ва 1 йил имтиёзли давр билан 20 йилга ипотека кредити ажратилади.

Хитой Ўзбекистоннинг интернет инфратузилмасини яхшилаш учун 40 млн. доллар кредит ажратмоқчи

Мамлакатимизда интернет инфратузилмасини ривожлантириш учун Хитой кредит маблағлари жалб этилиши мумкин. Бу Вазирлар Маҳкамасининг яқинда шу масала бўйича эълон қилган қарори лойиҳасида кўрсатиб ўтилган.

Ҳал "Ўзбектелеком" телекоммуникация инфратузилмаларини модернизация қилиш ва ривожлантириш лойиҳаси ҳақида кетмоқда.

Бу маълумотларни узатиш, кенг поласали оптик тармоқларни ривожлантириш ва мобил алоқа тармоқларини модернизациялашга замонавий технологияларни жорий этишга ёрдам бериши кутилмоқда.

Шунингдек, "Телекоммуникация тармоқларини 5G технологияларини жорий



этиш истикболи билан ривожлантириш", "Маълумотларни сақлаш ва уларга ишлов бериш марказини кенгайтириш" ва "Интернет тармоғига кенг поласали ула-ниш бўйича симсиз техноло-гияларни жорий этиш" каби лойиҳаларни рўйбга чиқариш ҳам назарда тутилган.

Д. СОДИҚОВ («Халқ сўзи»)

Долзарб мавзу

Бугунги кунда ер қаърини геологик ўрганиш, муҳофаза қилиш, шунингдек, қончилик муносабатларини бошқариш долзарб масалалардан бирига айланган.

Хуш, қилинаётган ишлар талабга жавоб берадими? Бу борада давлатимиз раҳбари томонидан берилган топшириқлар ижроси қай аҳволда? Соҳани янги босқинга олиб чиқиш учун моддий-техника базаси ҳолати қониқарлими? Бу саволларга Адлия вазирлиги ҳамда Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси билан ҳамкорликда геология ва минерал-хом ашё базасини ривожлантиришни жадаллаштириш юзасидан ўтказилган ўрганиш хулосалари асосида ойдинлик киритишга ҳаракат қиламиз.

ГЕОЛОГИЯ:

ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ ЎЙГА ТОЛДИРАДИ

Геология соҳаси моҳиятан ер ости бойликларини қидириш, уларни аниқлаш, шунингдек, минерал-хом ашё базасини шакллантириш, ушбу бойлиқлар ҳисобини юритиш ва қазиб олиш қабилардан иборат.

— Ҳисоб-китобларга кўра, юртимизда ер қаъридан фойдаланган-да солиқ ставкалари олтин ва кумуш учун 25 фоиз, мис учун 15 фоиз, уран учун 10 фоиз, вольфрам учун 10,4 фоизни ташкил этади, — дейди Адлия вазирлиги масъул ходими Дилшод Шодиев. — Бу кўрсаткичларни таққослайдиган бўлсак, дунё бўйича ўрта

Хусусан, соҳада автоматлаштирилган электрон давлат хизматлари тўлиқ жорий этилмаган. Натижада тадбиркорлик субъектларидан қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган талаб қилиш, улар томонидан рухсатнома-лицензия олиш учун берилган аризаларнинг ўз вақтида кўриб чиқилмаслиги, қонлар учун ер участкалари асоссиз равишда маҳаллий давлат ҳокимияти томонидан берилмаётганлиги каби оворагарчиликларга олиб келмоқда.

Давлат геология қўмитаси томонидан жорий йилнинг 15 апрелидан жисмоний ва юридик шахсларга сочма олтин қонларидан тадбиркорлик тавakkалчилиги асосида қимматбаҳо металлларни носоноат усулда қазиб олиш учун лицензия-

Х. М. Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти фаолияти ҳам кўриб чиқилди. Афсуски, бу йўналишда ҳам мақтана олмаймиз.

Ж. Кулизовнинг таъкидлашича, институтнинг маъмурий биноси 1968 йилда қурилган бўлиб, иншоотнинг 80 фоиз қисми эскирган ва талабга жавоб бермаслиги, дала ишларида ишлатиладиган махсус техника, геофизик ва геологик ус-тужаларнинг 70 фоиздан ортиғи маънан ва жисмонан эскирганлиги, шунингдек, лабораторияда тах-лил қилиш учун мавжуд бўлган электрон зонд микроанализатор, масс-спектрометр, микроскоп ва бошқа жиҳозларнинг аксарияти ўз хизмат вазифасини ўтаб бўлганлиги ачинарли ҳолат.

Муаммоларни қандай ҳал қилиш мумкин?

Айтиш керакки, соҳадаги муаммоларни ҳал этишда Президентимизнинг "Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишни янада такомиллаштириш ва 2020-2021 йилларда минерал-хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриямал бўлиб хизмат қилади.

Зеро, ушбу ҳужжат билан замонавий халқаро стандартлар ва илгор хорижий тажрибани жорий қилишни ҳисобга олиб Ўзбекистон Республикаси минерал-хом ашё базасини ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилганлиги, шунингдек, 2020-2021 йилларда минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастури тасдиқлангани шундан далолатидир.

Бундан ташқари, қайд этилган тизимли камчилик ва муаммоларни бартараф қилиш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан геология соҳасини янада ривожлантириш, ушбу соҳада давлат хизматларини

кўрсатиш жараёнини такомиллаштиришга қаратилган тақрирлар иш-лаб чиқилди. Унга кўра, соҳани тартибга солувчи ички ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш, уларни ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солиш, геология-қидирув ишларини олиб боришга доир ҳуж-жатларни халқаро стандартлар, шу жумладан, самарадорлиқни оши-ришга қаратилган мослашувчан тар-тибларни жорий этиш нуктаи назаридан қайта кўриб чиқиш лозим.

Шунингдек, ер қаърини регионал ўрганиш ва геологик хариталаш иш-ларини амалга оширишда ахборот дастурлари ҳамда ахборот-комму-никация технологияларини қўллаш, моддий-техника базаси ва молия-лаштиришни янада мустаҳкамлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар бел-гиллаш, стратегик металлларнинг асосий турларига роялти ва бир марталиқ тўловлар ставкаларини пасайтириш нуктаи назаридан қайта кўриб чиқиш талаби ҳам мавжуд. Ўз навбатида, Х. М. Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти фаолиятини ривожланти-риш бўйича Хукумат қарори лойи-ҳасини ишлаб чиқиш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томо-нидан қон жойлашган ҳудуддаги ер участкасини ажратиб бериш тўғри-сида қарор қабул қилиш тартибини соддалаштириш ва қон ажратмаси далолатномасини расмийлаштириш жараёни билан уйғунлаштириш мақ-сада мувофиқдир.

Қисқаси, ўрганиш натижалари ҳар бир тегишли мутасадди таш-килот ва идоралар раҳбарларини чуқур мушоадага, бундан хулоса чиқариб замон билан ҳамнафас ишлашга даъват этиши лозим. Шундагина тилга олинаётган ма-салаларга ечим топилади, тармоқ-да ўзгариш бўлади. Ақси бўлса, оқибати сизу бизга маълум.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»)

Хориж тажрибасини татбиқ этиш зарур

Австралия, Буюк Британия, Хитой ва Туркия мамлакатлари тажрибаси таҳлили шуни кўрсатмоқ-даки, уларда геологик қидирув иш-ларини ташкил этишда илгор ахборот технологиялари, жумладан, "Geobank mobile", "Geobank", "Micromine software", "Pitram" каби ахборот дастурлари ва дала план-шетларидан фойдаланилади.

Бундан ташқари, геологик қиди-рув ишларида аниқланган ер ости бойлиқлари захираларини юритиш-нинг жорий тартиби дунёнинг 90 фоиз мамлакатларида фойда-

ҳисобда ер қаъридан фойдаланган-да олтин учун 4,6 фоиз, кумуш учун 4,2 фоиз, мис учун 4,5 фоиз, уран учун 5 фоиз, вольфрам учун 2,4 фоизни ташкил этади, холос. Шу билан бирга, ўрганишлар да-вомида геология-қидирув ишлари ва ер ости бойликларини қазиб олишда тадбиркорлик субъектлари-га рухсатнома-лицензия бериш жа-раёнида ҳам ўз ечимини кутаётган қатор тизимли камчиликлар бор-лиғи ойдинлашди.

лар расмийлаштириб берилмоқда. Бугунги кунда "E-JURO AUCTION" ягона электрон савдо майдончаси-га жойлаштирилган 70 дан ортиқ ер қаъри участкаларининг 42 таси реализация қилинган ва лицензия-лар расмийлаштирилган. Бироқ ўрганиш якунланган кунга қадар ажратилган ер қаъри участкалари-ни бирортасида қазиб олиш иш-лари бошланмаган. Ўрганишлар давомида соҳа ри-вожида алоҳида ўрин тутувчи

Эътироф

«Бухоро мавжлари» туркларни лол қолдирди

Ўзбекистон давлат филармонияси Бухоро вилояти бўлинмаси хузуридаги «Бухоро мавжлари» ашула ва рақс ансамбли жамоаси Туркия давлатида бўлиб, бир қатор халқаро фестивалларда қатнашди.

Бурса ва Инёголь шаҳар-ларида ўтказилган халқаро фестивалларда диплом ҳамда эсдалик совғалар билан тақдирланишди. Ялова

шаҳрида якунига етган "Тур-кий халқлар маданий айти-шуви" халқаро фестивалида эса жамоа аъзоси Феруза Маменова тайёрлаган дастур миллий либосларимиз, рақс санъатимизни ўзида ёрқин намойиш этганини учун оқсак мукофотга лойиқ топилди.

«Халқ сўзи».



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТҚАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2019 ЙИЛ 29 ИЮНДАН 5 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАВАР ҚИЛАДИ.

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди: 1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 1 июлдаги 273-мқ-сон "Адвокат ёрдамчисининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 11-бандига ўзгариш киритиш тўғрисида"ги буйруғи. 2019 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1929-1. (2019 йил 1 июлдан кучга кирди).

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 27 майдаги 62-сон "Ўзбекистон Республикаси Бюджет ҳисобининг стандарт (12-сонли БХС) "Қурилишга оид шартномалар"ни тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруғи. 2019 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2058-1. (2019 йил 1 июлдан кучга кирди).

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 12 июндаги 75-сон "Қайта сўғурта қилиш хизматлари кўрсатишнинг ягона талаблари ва стандартлари тўғрисидаги низомнинг 8-бандига ўзгариш киритиш ҳақида"ги буйруғи. 2019 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2190-1. (2019 йил 1 июлдан кучга кирди).

ЭЪЛОН «Ogzu» боғдорчилик, узумчилик ширкати аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 мартдаги 51-сонли қарорига асосан Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманидаги «Ogzu» боғдорчилик, узумчилик ширкати аъзолари ўзларига тегишли бўлган дала-ҳовлиларни 2019 йил 15 августга қадар қайта рўйхатдан ўтказишлари керак.

Дала-ҳовлилар эгаларидан талаб қилинадиган ҳужжатлар: — мулк эгаси паспорти; — боғдорчилик, узумчилик ширкати аъзоллиги дафтарчаси. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 125-йў, 18-хонадон, Д. Хайруллаев. Телефон: 90-370-17-70.



# МАЖМУАГА ЭГАЛИК МАСЪУЛИЯТИ БУНИНГ САМАРАСИНИ ВАҚТ КЎРСАТАДИ.

“Халқ сўзи” газетасининг ўтган сонларидан бирида Яққабғ туманидаги “Қорабайир отчилик мажмуаси” давлат унитар корхонаси фаолияти ҳақида танқидий мақола эълон қилинган эди. Унда давлатимиз раҳбарининг 2017 йил февралда Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида берган топшириғига биноан, мазкур туманда бунёд этилган мажмуада тоза қонли Қорабайир зотини яратиш, юртимиз шарафини халқаро миқёсда ҳимоя қиладиган тулпорлар етказиб беришдек масъулиятли ишга бўлган муносабат, ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар танқидий таҳлил этилганди.

Қорабайир зотини қайта тиклаш ва кўпайтириш. Айтиш жоизки, бу жараён ўйлаганимиздан ҳам кўра тезлашмоқда. Гап шундаки, Қорабайир зоти эътибордан четда қолиб, халқ селекциясида заифликка учраган бўлсада, унинг генлари қолдириб келиб, сақланиб қолган экан. Яъни Ўзбекистонда ушбу зотга мансуб отлар кўп экан. Фақат парваришдаги оқсоқликлар уларнинг сифатини элита даражасидан паства, яъни 1 ва 2-синфга тушириб қўйган.

“Қорабайир отчилик мажмуаси” давлат унитар корхонаси фаолиятини янада ривожлантириш ва тубдан такомиллаштириш мақсадида жамият томонидан бир қанча лойиҳалар амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўзида наслни ривожлантириш бўйича Қозоғистон ва Қирғизистондан 60 бош Қорабайир зотли, Россиядан 30 бош бошқа зотли тулпорлар келтирилган.

## Қарор ва ижро

Ушбу мақоладан кейин мажмуа фаолияти қайтадан қўриб чиқилиб, ишдаги барча камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида йилчилик ва от спортини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида “Шўртангазиме мажмуаси” масъулият чекланган жамиятига қарашли “Қорабайир отчилик мажмуаси” давлат унитар корхонаси “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тасарруфига ўтказилди.

Хўш, шундан сўнг бу ерда нима ишлар қилинди? Истиқболда қандай режалар бор? Яқинда бир гуруҳ журналистлар учун мажмуага уюштирилган медиатурда бу ҳақда батафсил маълумот берилди. “Қорабайир отчилик мажмуаси” давлат унитар корхонаси “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тасарруфига берилган

қарор қилинган бир қатор лойиҳалар амалга оширилди. — “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тасарруфига ўтганимизда йилчиларимиз сони 77 бош эди. Ҳозирги кунда 160 бошдан ошди, — дейди мажмуа директори Жаҳонгир Содиқов. — Олдимизга қўйилган асосий вази

фани, жорий йилнинг ўзида наслни ривожлантириш бўйича Қозоғистон ва Қирғизистондан 60 бош Қорабайир зотли, Россиядан 30 бош бошқа зотли тулпорлар келтириш режалаштирилган. Айни пайтда мажмуада тренажёр заллари, отларни парваришлаш учун қишқи ва ёзги махсус худудлар барпо этилмоқда.

Президент қарориди, шунингдек, мажмуада болалар ва ўсмирлар от спортини шакллантириш вазифа қилиб қўйилган эди. Айни пайтда бу ерда замонавий болалар ўқув синфхонаси ташкил этилиб, жиҳозланди. Еш спортчилар очик ва қишқи манежда йил бўйи шугулланиши мумкин. Мактабда уч кураш, от йўрттириш, конкур каби классик ўйинлар ўргатилади. Таъқидлаш жоизки, мажмуада отларни парваришлаш бўйича илмий асосланган ёндашувларга мувофиқ иш юритилмоқда. Шу мақсадда Тошкент давлат аграр университети ҳамда Самарқанд ветеринария медицинаси институти билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

— Мажмуадада ҳар бир от учун алоҳида ветеринария паспорти, касаллик варақаси бор, — дейди мажмуа бош ветврачи Шокир Махмудов. — Зотдор бияларнинг ҳар бирига насл картаси тўлдирilib, шажараси қайд этилади. Чунки мажмуадаги отларнинг барчаси насли бўлиб, ҳар бирининг ўз шажараси яратилган. Унда бияларнинг ва туғиладиган тойларнинг ота-онаси, зоти ва алоҳида ўлчамлари ёзиб борилди.

Илгари бундай ветеринария хизмати йўқ эди. Ҳозир отхоналаримизнинг ўзиди ветеринария хонаси, зоотехник, ўқув хоналари ташкил қилинди. Бу ерда отларни юқумли касалликларга қарши эмлаш ва кузатув ишлари доимий олиб борилди.

От азалдан инсоннинг ҳамроҳи бўлган. Элимизнинг тўйлари, байрамлари ва турли халқ сайиллари чавандозларнинг беллашувлари ёки кўпкари мусобақаларисиз ўтмаган. Учқур Қорабайир оти билан улқоч чопиб, кўп йиллар вилоятда донг таратган чавандозларнинг номи бугунги кунда юртимизда жуда машҳур. Қолаверса, от спортини бўйича дунё ареналарида Ватан байроғини баланд кўтарадиган спортчилар муваффақияти замирида ҳам юқори насли бақувват отларни парваришлаш тажрибаси акс этади. Хуллас, ушбу нозик соҳада амалга оширилаётган ишлар билан таншган медиатур иштирокчилари “Қорабайир отчилик мажмуаси” ДУК ўз эгасини топаётганига амин бўлишди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ («Халқ сўзи»)

## ЭЪЛОНЛАР

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 майдаги «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга механизация ва сервис хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ҳамда «Ўзагросервис» акциядорлик жамияти тизимидаги «Surxondaryo Agroservis MTP» МЧЖнинг «Қумқўрғон Агросервис МТП 2017» МЧЖ ва «Denov Agroservis va integrallashgan servis markazi MTP» МЧЖлар устав жамғармасидаги улушлари бўйича

### «Surxondaryo mulk markazi» МЧЖ

мақрурий очик танлов савдосига таклиф этади.

«Surxondaryo Agroservis MTP» МЧЖ Кузатув кенгашининг 2019 йил 19 июлдаги 1-сонли мажлис баёнига ва «Surxondaryo Agroservis MTP» МЧЖнинг 2019 йил 24 июлдаги 1/1-486-сонли бюртманомасига асосан, бозор баҳоси иккинчи мартаба 10 фоиз пасайтирилган қуйидаги улушлар очик танлов савдосига қўйилмоқда;

1. Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон тумани, «Оқжар» ҚФЙга қарашли, «Боғоро» МФЙда жойлашган «Қумқўрғон Агросервис МТП 2017» МЧЖнинг 100 фоиз улуши.

Бошланғич баҳоси — 5 793 176 374 сўм.

2. Сурхондарё вилояти, Денов тумани, «Юрчи» МФЙда жойлашган «Denov Agroservis va integrallashgan servis markazi MTP» МЧЖнинг 100 фоиз улуши.

Бошланғич баҳоси — 6 913 718 550 сўм.

Балансда сақловчи: «Surxondaryo Agroservis MTP» МЧЖ.

Фаолияти ихтисоси: қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга механизация ва сервис хизмати кўрсатиш.

Танлов таклифлари тақдим этилган конвертларни очиб ва танлов савдосини ўтказиш 2019 йил 16 август куни соат 11.00 да Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг мажлис залда бошланади. Танлов таклифларини қабул қилиш муддати — 2019 йил 15 август куни соат 18.00 гача. Таклифларни очиб шартлар ва танлов тартиби бўйича талабгорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Танлов савдосининг асосий шартлари:

1. Танловда республика резидентлари (яқка тартибдаги ва юридик шахс сифатида фаолият юритувчи тадбиркорлар ва ишбилармонлар) ёки норезидентлари (чет эллик тадбиркорлар ёки уларнинг вакиллари) қатнашишлари мумкин.

2. Талабгорлар томонидан улуш бошланғич баҳосининг 5 (беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пули танловда эълон қилинган ҳисоб рақамига тўланиши керак.

3. Танловда қатнашиш учун талабгор ёки унинг ваколатли вакили савдо ташкилотчасига очик танлов тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатларда шахсан ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда бюртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда;

— жисмоний шахслар паспорт нусхаси, танловда

Танлов савдоси ва танлов ҳужжатларини тўлдирishi билан боғлиқ бўлган барча масала бўйича мурожаат учун манзил:

Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 19-уй.  
Тел.: 76-223-15-82. Веб-сайт: www.rmm.uz, электрон почта манзили: user100@inbox.uz

Гувоҳнома: 972.

Савдога марҳамат қилине!

## ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

2019/2020 ўқув йили учун хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш бўйича магистратура мутахассисликларига ўқишга таклиф этади.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бир неча йилдан буён Европанинг нуфузли университетлари билан ҳамкорликда икки томонлама диплом бериш бўйича магистрлар тайёрлаб келинмоқда. Хусусан, Голландиянинг Вагенинген университети билан 2007 йилдан шу вақтга қадар ҳамкорликда амалга оширилган қўшма дастур асосида 22 нафар битирувчи икки томонлама (Голландиянинг Вагенинген университети ва Ўзбекистоннинг ТИХММИ) дипломларни олишга муваффақ бўлди. Институт хорижий алоқаларни янада кенгайтириш мақсадида 2019/2020 ўқув йилида АКШнинг Мичиган штати университети, Оклахома штати университети, Миссисипи штати университети, Орегон штати университети, Голландиянинг Вагенинген университети, Словакия Республикасининг Нитра шаҳридаги Словакия қишлоқ хўжалиги университети, Германиянинг Юстус Либих номидаги Гисен

университети билан ҳамкорликдаги қўшма таълим дастурлари асосида икки томонлама диплом бериш бўйича магистрлар тайёрлаш юзасидан танлов эълон қилади.

Ҳурматли халқаро магистратура абитуриентлари! Сизларни мамлакатимизнинг қишлоқ ва сув хўжалиги, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш соҳалари учун юқори малакали рақобатбардос, илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш мақсадида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти халқаро магистратурасига ўқишга таклиф этади. Қириш синовлари инглиз тилида, мутахассислик фани ва чет тили бўйича ўтказилади. Ўқув жараёни кредит тизими асосида ташкил этилган.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилиши лозим: — олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси ҳамда унга илова;

- 3,5x4,5 см. ҳажмдаги 6 дона рангли фотосурат;
- 086-У-шаклдаги тиббий маълумотнома;
- паспорт нусхаси;
- халқаро тан олинган чет тилини билиш даражаси ҳақидаги сертификат (TOEFL бўйича камида 72 ёки IELTS бўйича камида 5,5 балл, TestDaF (TDN3), CEFR бўйича камида B2 ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Давлат тест маркази томонидан бериладиган чет тилини билиш даражаси ҳақидаги B2 ёки C1 даражасидаги сертификат) агар мавжуд бўлса.

Ҳужжатлар 2019 йил 10 августгача қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Кори Ниёзий кўчаси, 39-уй.  
Мурожаат учун телефон: 71-237-09-75, 71-237-19-36

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг 2019/2020 ўқув йили қабули учун хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш бўйича қабул режаси

Шифр	Мутахассисликлар номи	Ҳамкор хорижий олий таълим муассасаси номи	Тўлов-контракт асосида қабул режаси	Таълим шакли	Таълим тили	Ўқиш муддати (ОТМ+ҳамкор ОТМ, йил)
<b>Магистратура</b>						
5A630101	Атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	Голландия, Вагенинген университети (Wageningen University & Research)	3	кундузги	инглиз	1+1
5A630101	Атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	Словакия Республикаси, Нитра шаҳридаги Словакия қишлоқ хўжалиги университети (Slovak University of Agriculture in Nitra)	3	кундузги	инглиз	1+1
5A450208	Сув сифатини бошқариш	АКШ, Мичиган штати университети (Michigan State University)	3	кундузги	инглиз	1+1
5A430503	Интеллектуал датчиклар ва технологиялар		3	кундузги	инглиз	1+1
5A230112	Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик	АКШ, Миссисипи штати университети (Mississippi State University)	3	кундузги	инглиз	1+1
5A430401	Аниқ координатли қишлоқ хўжалиги		3	кундузги	инглиз	1+1
5A430401	Аниқ координатли қишлоқ хўжалиги	АКШ, Оклахома штати университети (Oklahoma State University)	3	кундузги	инглиз	1+1
5A430402	Халқаро қишлоқ хўжалиги		3	кундузги	инглиз	1+1
5A233002	Сув дипломатияси	АКШ, Орегон штати университети (Oregon State University)	3	кундузги	инглиз	1+1
5A230105	Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти	Германия Федератив Республикаси, Юстус Либих номидаги Гисен университети (Justus Liebig University Giessen)	3	кундузги	инглиз	1+1
5A350303	Рақамли иқтисодиёт		3	кундузги	инглиз	1+1

## Халқ сўзи

### Народное слово

#### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюртма Г — 756. 52 457 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Тахририятга келган кўлабмақал тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзасиз берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.  
Мусаҳҳих — А. Султонов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буоқ Турон кўчаси, 41. Ўза яқини — 00.50 Топширилди — 01.40 1 2 3 4 5 6